

Лойиҳа

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. San. 51.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

АЛИМКУЛОВА ДИЛЗОДА РАЙИМКУЛОВНА

**1920–1930-ЙИЛЛАР РАНГТАСВИРИ ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ
САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ КЕСИМИДА**

17.00.04 – тасвирий ва амалий безак санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Алимкулова Дилзода Райимкуловна

1920-1930-йиллар рангтасвири Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиш жараёни кесимида.....3

Алимкулова Дилзода Райимкуловна

Живопись 1920-х-1930-х годов в контексте процесса развития изобразительного искусства Узбекистана.....24

Alimkulova Dilzoda Rayimkulovna The painting art of 1920-1930s in development process of fine art of Uzbekistan.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017. San. 51.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

АЛИМКУЛОВА ДИЛЗОДА РАЙИМКУЛОВНА

**1920–1930-ЙИЛЛАР РАНГТАСВИРИ ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ
САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ КЕСИМИДА**

17.00.04 – тасвирий ва амалий безак санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/San84. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.fineartins.uz) ва “Ziynet” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хакимов Акбар Абдуллаевич, санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. San.51.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2).
Тел.: (+99871) 239-46-67, факс: (+99871) 239-17-71, e-mail: siti1928@mail.ru).

Диссертация билан Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (+99871) 239-46-67).

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги № _____ - рақамли реестр баённомаси).

М.Т.Тўлахўжаева,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Н.Ғ.Каримова,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари доктори

И.А.Мухторов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва маданий интеграция жараёнларининг кучайиб бориши шароитларида миллий маданиятнинг алоҳида шакллариغا эътибор ортмоқда. Дунё миқёсидаги бадиий жараёнларда етакчилик қилаётган тенденциялар санъат асарларининг эстетик ва фалсафий ифодасини тубдан ўзгартирган авангардизм йўналиши билан узвий боғлиқ. Маданий мерос ва анъаналарга таянган ҳолда акс этаётган замонавий тасвирий санъат инсоннинг ижодий фаолиятини фалсафий жиҳатдан англашда янги имкониятлар яратмоқда.

Тасвирий санъатнинг эстетик, фалсафий қиёфасини ўзгартириб юборган авангардизм жараёнлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида турлича кечган. Жаҳон санъатшунослигида XX аср санъати асосан йўналишлар алмашинувининг тарихий тадрижи ва бадиий тенденцияларнинг шаклланиш динамикаси кесимида – фовизм, экспрессионизм, футуризм, кубизм, конструктивизм, функционализм йўналишларини қамраб олган модернизм тушунчаси бадиий тизим сифатида тадқиқ этилмоқда. Янгича ёндашувлар асосида санъатнинг айнан шу қатламлари вужудга келган давлатларнинг нуфузли санъатшунослик илмий марказларида олиб борилаётган тадқиқотлар мавзунинг кенг кўламли аҳамияти ва долзарблигини белгилайди.

“Бугунги кунда замонавий ўзбек тасвирий санъатига кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани, турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, хусусан, рассом ва ҳайкалтарошлар, халқ усталари ижодида янгича мазмун ва шакл, жаҳон санъат майдонидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш тенденциялари кўзга ташланаётганини ижобий баҳолаш лозим”¹. Ўзбекистон миллий тасвирий санъат мактабининг шаклланишида XX аср боши рангтасвири ўзига хос пойдевор ва бўлажак тенденцияларни белгиловчи ижодий асос бўлган. Мустақиллик даври Ўзбекистон рангтасвиридаги янги тенденцияларни таҳлил этиш, замонавий рассомлар таянган образли-эстетик концепцияларни аниқлаш учун авваламбор, 1920–1930-йилларда шаклланган бадиий-услугий жараёнларни тадқиқ этиш долзарбдир. Кейинги йилларда кузатилаётган санъатшунослар нуктаи назарларининг хилма-хиллиги, кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлаётганлиги ҳамда ечимини кутаётган масалаларни кўриб чиқиш учун 1920–1930-йиллар рангтасвири Ўзбекистон тасвирий санъатининг шаклланиш жараёни кесимида очиқ бериш ишнинг зарурлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2017 йил 31 майдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3219-сон қарори // “Халқ сўзи”, 2017 йил 17 август.

ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда масала бўйича бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX аср Ўзбекистон тасвирий санъати ўзига хос ноёб тарихий-бадиий ходиса сифатида кўплаб монография, альбом, каталог ва илмий мақолаларда тадқиқ этилган. Унинг алоҳида муаммолари ва жиҳатлари В.Чепелев², Н.Колин³, Ф.Шмит⁴, Л.Жадова⁵, А.Умаров⁶, М.Земская⁷, Р.Тоқтош⁸, Д.Саидова⁹, В.Лаковская¹⁰, М.Мюнц, С.Горшенина¹¹, Л.Шостко¹², А.Эгамбердиев¹³, Н.Аҳмедова¹⁴, А.Ҳақимов¹⁵, Ж.Боулт, Т.Мкртичев, М.Яновская, Б.Чухович каби олимлар ишларида ўрганилди. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг ишлари диссертация учун муҳим ёрдамчи манбага айланди. Ўзбекистон замонавий санъатини совет санъатшунослигидаги услуб ва ёндашувлар асосидаги таҳлилларни янгилаш талаб этилмоқда. А.Ҳақимов ва Н.Аҳмедоваларнинг тадқиқотларида ўзбек тасвирий санъатини ўрганиш борасидаги янги назарий ёндашувлари, унинг маънавий, анъаналар, замонавий жараёнлар билан боғлиқлиги ўз ифодасини топиб, миллий санъат масалаларини ўрганиш

²Чепелев В. Искусство Советского Узбекистана. – Л.: Изд. Ленинградского областного союза советских художников, 1935. – 130 с.

³Колин Н. Изобразительное искусство Узбекской республики. – М.: Искусство, 1937. – 160 с.

⁴Шмит Ф. О национальной форме живописи Узбекистана. 1937. Архив библиотеки ГМИ. – Инв №166.–40с.

⁵Жадова Л. Современная живопись Узбекистана. – Ташкент, Государственное издательство художественной литературы УзССР. 1962. – 112 с.

⁶Умаров А. Портретная живопись Узбекистана. – Ташкент, 1968. –135 с.

⁷Земская М. Александр Волков. Мастер Гранатовой чайханы. – М.: СХ, 1975. – 159 с.

⁸Такташ Р. Изобразительное искусство Узбекистана /вторая половина XIX в.-50е гг. XX в.– Ташкент, Фан. 1972.–280 с.

⁹Саидова Д. Историко-революционной жанр в живописи Узбекистана. – Ташкент, 1977. – 160 с.

¹⁰Лаковская В. Послевоенная станковая живопись Узбекистана. – Ташкент, Фан. 1991. – 156 с.

¹¹Горшенина С. Синяя птица Среднеазиатского авангарда.//Ижтимоий фикр.–Тошкент, 1998.–№1.–С.125-138.

¹²Шостко Л. Виктор Уфимцев. – Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1984. – 96 с.

¹³Эгамбердиев А. XX аср Ўзбекистон рангасвирида картина ривож: Докторлик диссертацияси. Сан. фан. доктори. – Т. 2009.– 272 б.

¹⁴Аҳмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент: 2004. – 205 с.

¹⁵Ҳақимов А. Искусство Узбекистана история и современность // А. А. Хақимов; Институт искусствознания, АН РУз. – Ташкент, Издательство журнала «San’at». 2010. – 504 с.

борасида фанлараро ёндашув ва маданиятшунослик жиҳатларига эътибор қаратилган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ва Ўзбекистон Давлат санъат музейи архивидаги қўлёзма манбалар ўтган аср бошидаги бадиий жараёнларни ҳаққоний очиқ беришда катта хизмат қилди.

Бадиий жараённи илмий ўрганишда халқаро, минтақавий ва республика доирасидаги кўргазмалар, альбомлар ва каталогларга ҳам таянилди. Республика музейлари фондида сақланаётган XX аср бошида яратилган рангтасвир асарлари биз учун муҳим таянч хизматини ўтаганини эътироф этиш билан бирга, ушбу даврга оид санъатшунослар, рассомлар суҳбатлари, фикр-мулоҳазаларидан ҳам тадқиқот жараёнида фойдаланилди.

Шу билан бирга, ушбу давр Ўзбекистон рангтасвири махсус санъатшунослик нуқтаи назаридан ўрганилмаган. Муҳими шундан иборатки, илмий муомалага илгари нашр қилинмаган рангтасвир асарлари киритилди, бу эса ўрганилган бадиий жараённи объектив тарихий жиҳатдан янги нуқтаи назардан таҳлил қилиш имконини берди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Тасвирий санъат тарихи ва назарияси” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1920–1930-йиллар рангтасвири Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиш жараёни кесимида таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- тарихий, маданий ва ижтимоий ўзгаришлар шароитида мазкур давр рангтасвири хусусиятларини аниқлаш;
- ўша давр санъати учун янги хусусиятларни асарларида акс эттирган рангтасвирчи рассомларнинг индивидуал ижодий салоҳиятини аниқлаш;
- замонавий Ўзбекистон рассомлари томонидан 1920–1930-йиллар рангтасвири анъаналарини ижодий ўзлаштириш жараёнини таснифлаш;
- музей ва шахсий коллекцияларда сақланаётган илгари ўрганилмаган рангтасвир асарларини илмий муомалага киритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср Ўзбекистон тасвирий санъатидаги машҳур номлар, асосий тенденциялар, анъаналар, новаторлик изланишлари ва уларнинг замонавий санъатдаги ифодаси деб белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети 1920–1930-йилларга оид рангтасвир асарлари, уларнинг бадиий хусусиятлари ва Ўзбекистон миллий бадиий мактабининг шаклланиши ва ривожланиши тамойиллари кесимидаги ўрнidan иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси замонавий санъатшунослик илмининг тарихийлик, илмий холислик, қиёсий ва бадиий таҳлил мезони каби тадқиқот усуллари ҳисобланиб, улар

рангтасвир асарларини миллий рангтасвир мактаби пойдевори сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- 1920–1930-йилларга оид Ўзбекистон музейларида сақланаётган кўплаб асарларнинг илк бор таҳлил этилиши ва илмий муомалага киритилиши натижасида, ўша давр бадиий жараёнидаги ўзига хос услубий тенденцияларнинг хилма-хиллиги аниқланган;

- 1920-йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида Ғарб модернизми, рус авангарди, Шарқ декоративизми йўналиш ва оқимлари таъсири остида ўзига хос “Ўзбек авангарди” феномени вужудга келганлиги исботланган;

- Ўзбекистон тасвирий санъати икки туркумга бўлинган ҳолда, яъни Ғарб ва Шарқ санъати анъаналарини уйғунлаштириш билан бир қаторда реализм ва импрессионизм йўналишлари асосидаги ўзига хос маҳаллий рангтасвирнинг толерантлиги тарихан қисқа бўлган давр кесимида (1920–1930-йиллар) вужудга келганлиги аниқланган;

- Ўзбекистонда авангард тенденциялари ҳудудий жиҳатдан марказдан йироқ бўлганлиги боис, “социалистик реализм” йўналиши 1932-йилда расман қарор топганига қарамай, деярли 1935 йилгача давом этганлиги далилланган;

- Қиёсий таҳлиллар асосида 1920–1930-йиллар “Ўзбек авангарди” анъаналари тасвирий ифода сифатида XX аср охири XXI аср бошларида Ўзбекистон рассомлари амалиётида эстетик жиҳатдан таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда ўтган аср бошлари тасвирий санъатида мавжуд бўлган илғор ижодий тажрибаларни замонавий бадиий жараёнга кенг татбиқ этиш ва миллий рангтасвирга оид ижодий изланишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

диссертациядаги маълумот ва материаллар санъат йўналишига ихтисослашган ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талабаларининг “Ўзбекистон санъати тарихи” фанига оид дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни яратишда хизмат қилган;

тадқиқот материаллари Ўзбекистон миллий тасвирий санъатини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, телекўрсатув, радиоэшиттириш тайёрлаш, хужжатли фильмлар яратиш ва бошқа ташвиқот ишларини олиб боришда, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда муҳим манба вазифасини бажарган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Маҳаллий ва жаҳон санъатшунослик, музейшунослик, тарих фанларининг синалган методлари ҳамда назарий ёндашувлари қўлланилгани, Ўзбекистон музейларидаги тўпламлар, архив хужжатлари ва каталоглар тизимидан фойдалангани, ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар амалиётда жорий қилинаётгани, тегишли ташкилот ва муассасалар томонидан олинган натижаларнинг тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар

санъатшунослик илмидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради. Илмий муомалага киритилган 100 дан ортиқ рангтасвир асарлари орқали ўтган аср боши рангтасвири ҳақидаги назарий тушунчаларни янада орттиради. Замонавий рангтасвирга комплекс ёндашув ва илғор назарий методларнинг қўлланилгани мавжуд ижодий изланишларни кенг доирада ўрганиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – олинган хулосалар Ўзбекистон рангтасвиридаги замонавий жараёнларни ўрганишда самарали фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат санъат музейи каталогини тайёрлашда иштирок этилган¹⁶. Ўзбекистон тасвирий санъати, санъатшунослик, маданиятшунослик фанларидан тайёрланадиган дарслик ва ўқув қўлланмалари учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилиши баробарида, замонавий санъат кўرғазмалари, лойиҳалар ва илмий конференциялар ташкил этишда амалий асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1920–1930-йиллар рангтасвири Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиш жараёни юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

диссертация тадқиқотидаги 1920-йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатида Ғарб модернизми, рус авангарди, Шарқ декоративизми йўналиш ва оқимлари етакчилик қилган “Ўзбек авангарди” феномени вужудга келганлигини, Ўзбекистон тасвирий санъати икки туркумга бўлинган ҳолда, яъни Ғарб ва Шарқ санъати анъаналарини уйғунлаштириш тарихан қисқа бўлган давр кесимида (1920–1930-йиллар) вужудга келганлигини ҳамда Ўзбекистонда авангард тенденциялари худудий жиҳатдан марказдан йироқ бўлганлиги боис, “социалистик реализм” йўналиши 1932-йилда расман қарор топганига қарамай, деярли 1935 йилгача давом этганлигини исботловчи илмий хулосалардан ЎЗР ФА Санъатшунослик институтининг ФА-А1-ГО21 113-2014-0912160526 “XIX-XXI аср бошларига оид Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатида анъаналарнинг давомийлиги” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 25 июндаги №3/1255-1318 маълумотномаси). Натижада, илмий хулосалар XX аср бошида ўзбек рангтасвирида юзага келган янги тенденциялар, уларнинг ўзига хос ва ривожланиш динамикаси хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилган.

“Ўзбек авангарди” анъаналари тасвирий ифода сифатида рангтасвир ва графика санъатига 1980-йилларнинг сўнгидан бошлаб, бугунги кунга қадар эстетик жиҳатдан таъсири асосидаги бадиий музейлар экспозициясини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 22 январдаги №01-12-10-276-сон маълумотномаси). Натижада, рангтасвир асарларининг таснифи илмий журналларда чоп этилган ва музейнинг “Ўзбекистон рангтасвири” бўлимида мавжуд илмий картотекалардаги маълумотларга қўшимчалар киритилган. Ундан ташқари,

¹⁶Ўзбекистон Давлат санъат музейи. Каталог. Тошкент, Мега, 2004.–263 б.

Гронинген шаҳри Давлат музейида ташкил этилган “Россия ва ориентализм” кўрғазмасида (Нидерландия, 18.12.2010– 08.06.2011) И.Савицкий номидаги Давлат санъат музейи, Ўзбекистон Давлат санъат музейи ҳамда Самарқанд Давлат Бирлашган музей-қўриқхонаси фондларидаги 1920–1930-йиллар миллий рангтасвирига оид экспонатларни саралашда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 9 та республика ва 3 та халқаро конференцияларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола эълон қилинган. Улардан 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланган, Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот предмети ва объекти аниқланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, натижаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги баён этилган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**XX аср боши Ўзбекистон рангтасвири тасвирий санъат тарихининг ажралмас қисми сифатида**” деб номланиб, у уч бўлимдан иборат. Унда Ўзбекистон рангтасвири тарихига назар ташланиб, мазкур давр рангтасвир санъатининг ривожланишидаги асосий муаммолар, узвийлик хусусиятлари, 1920-йилларга оид рангтасвир санъатига хос тезкор тарихий-бадий ривожланиш жараёнининг хусусиятлари, унинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган турли омиллар юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотларнинг ўрганилганлиги ўз аксини топган. Биринчи бўлим “**Ўзбекистон тасвирий санъатини тадқиқ этишнинг тарихий-назарий жиҳатлари**” деб номланган. Ўзбекистон рангтасвири ривожини худуддаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзгаришлар, бу жараёнларнинг ўзига хосликларига қарамай, мустақилликка эришган мамлакатнинг маданий тараққиёт назарияси билан боғлиқ. Ўзбекистон рангтасвирининг характерли хусусиятлари ва ривожланиш динамикаси ушбу бўлимда таҳлилий тарзда очиб берилган.

Ўзбекистон рангтасвирининг назарий асосларини ишлаб чиққан В.Чепелев, Ф.Шмит, М.Мюнц, Н.Колин, М.Мясина, М.Земская, Б.Веймарн, Р.Еремян, Л.Жадова, В.Лаковская, Т.Махмудов, Д.Саидова, Р.Тоқтош, А.Умаров, Л.Шостко, А.Эгамбердиев каби олимлар тадқиқотларида рангтасвирнинг асосий тамойиллари ва тенденциялари таҳлил қилинган эди. Ҳозирда эса, Ўзбекистоннинг янги санъати аввалги соцреализмнинг назарий қоидаларидан фарқланадиган замонавий методологик ёндашувларни талаб этади. Умуман олганда, ушбу бўлимда кўрсатилгандек, замонавий рангтасвирни долзарб муаммо нуқтаи назаридан илмий-назарий таҳлил қилиш замонавий маданиятшунослик ва фалсафа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда кенг, фанлараро ёндашувни талаб қилган ҳолда ёритилган. Юқорида санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг ишлари диссертация учун муҳим ёрдамчи манбага айланди. Ўзбекистон замонавий санъатини совет санъатшунослигидаги услуб ва ёндашувлар асосидаги таҳлилларни янгилаш талаб этилмоқда. А.Ҳакимов, Н.Аҳмедова ва хорижликлардан Ж.Боулт, Т.Мкртичев, М.Яновская, Б.Чуховичларнинг тадқиқотларида ўзбек тасвирий санъатини ўрганиш борасидаги янги назарий ёндашувлари, унинг маънавият, анъаналар, замонавий жараёнлар билан боғлиқлиги ўз ифодасини топиб, миллий санъат масалаларини ўрганиш борасида фанлараро ёндашув ва маданиятшунослик жиҳатларига эътибор қаратилган.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ва Ўзбекистон Давлат санъат музейи архивидаги қўлёзма манбалар ўтган аср бошидаги бадиий жараёнларни ҳаққоний очиб беришда катта хизмат қилди.

Иккинчи бўлим **“Рус-Европа рангтасвири анъаналарининг Туркистонга кириб келиш жараёни: ижтимоий ва маданий тамойиллар”** деб белгиланган. Унда Ўзбекистон тарихи, жумладан, санъатида ҳам XX аср умумий маданият тарихининг узвий қисми бўлиши билан бирга олдинги даврлардан мутлақо ўзгача жараённи ўзида намоён этади. Тасвирий санъатнинг янги шакллари вужудга келиши ва ривожланиши жараёни ўз хусусиятларига эга. XX аср бошида рангтасвирда самарали бағрикенглик кузатилади, реалистик анъаналар асосида ижод этувчи Н.Каразин, И.Казаков, Л.Бурэ, М.Никитин, Р.Зоммер, С.Юдин, С.Светославский ва бошқалар билан бир қаторда санъатда ўзига хос умумжаҳон (Ғарбий Европа ва Россия) модернизм ҳаракатининг услубий тармоқланиши сифатида ўзбек авангарди шаклланди ва ривожланди. Булар А.Волков, В.Уфимцев, М.Курзин, Е.Коровай, О.Татевосян, А.Николаев (Усто Мўмин), Н.Карахан, Ў.Тансиқбоевлардир. Номлари санаб ўтилган рассомлар ижодидаги ижтимоий ва маданий тамойиллар ёритилган.

Бобнинг учинчи қисми **“Ўзбекистон 1920-йиллар рангтасвир асарларининг таҳлилий шарҳи ва таснифи”** деб номланган. Ўзбекистон бадиий музейларида бугунги кунда изланилган йилларга оид ажойиб намуналар сақланмоқда, уларнинг муаллифлари эса миллий ва жаҳон санъати тақдирини ўзгартиришга ҳаракат қилганлар. 1910-1920-йилларда асосан Россия ва Ўзбекистон рассомлари томонидан ўша давр учун авангард

шакллари яратилган, лекин соцреализм талабларига жавоб бермагани боис, шўро даврида эътироф этилмаган эди.

Бу ўзига хос равишда шаклланган Ўзбекистон ижодкорларининг кўплаб асарлари асосан Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланмоқда. Ҳозирги кунда музейлар тўпламидаги авангард асарларни тарғиб этиш кенг тус олиб, 1920–1930-йилларга оид рангтасвир асарлари, мазкур давр рассомларининг ижоди республика музейларида намойиш этиб келинмоқда. Улар томонидан яратилган асарлар икки туркумга бўлинади яъни, Рус-Европа санъати таъсирида яратилган асарлар ҳамда Рус-Европа ва миллий санъат уйғунлигидаги санъатни ажратиб кўрсатиш мумкин. Туркумларга ажратилган ҳолда ўрганилгани билан бир қаторда, илмий мақолаларда чоп этилмаган, адабиётларга киритилмаган, музей экспозицияларида намойиш этилмаган асарлар санъатшунослик нуқтаи назаридан очиб берилди.

Биринчи туркумга киритилган, яъни Рус-Европа санъати таъсирида яратилган асарлар (М.Курзин, Е.Коровай, В.Уфимцев ва б.) асосан И.Савицкий номидаги Нукус Давлат санъат музейида, иккинчи туркумга оид асарлар (А.Волков, А.Николаев, Ў.Тансиқбоев, Н.Карахан ва б.) Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланади ва намойиш этиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланадиган ва шу пайтга қадар музейнинг ўзида ҳамда бошқа жойларда намойиш этилмаган асарлар ҳақида ёритилган. Ўзбекистон Давлат санъат музейи тўпламида Ўзбекистон миллий тасвирий санъатига асос солган ва бу ўлкага ўз ижодий илҳомини бахшида этган муаллифларнинг 1920–1930-йиллардаги рангтасвир асарларининг бадиий ижодий услубий йўналишларни акс эттирувчи асарлар ташкил этади.

Ўз ижодини инқилобий ўзгаришларда талқин этган авангардчи рассомлардан А.Волков (47 та рангтасвир 86 та графика), Усто Мўмин (20 дан ортиқ рангтасвир), О.Татевосян (500 дан ортиқ рангтасвир), Н.Карахан (30 дан ортиқ рангтасвир), Ў.Тансиқбоевларнинг (60 дан ортиқ рангтасвир) асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланмоқда. Музей тўпламидаги асарларнинг ҳамма қисми ҳам авангард йўналишида бажарилмаган, яъни соцреализм даври бошлангандан кейин ишланган асарлар ҳам сақланиб келинмоқда. Ў.Тансиқбоевнинг бу даврдаги манзараларида ясси безакли услуб устунлик қилади. Ўзбекистон Давлат санъат музейидаги Ў.Тансиқбоев асарларининг катта қисми 1930-йиллардан кейинги бўлиб, 1920-йиллар охирига оид “Кураш”, “Пайвандчи” каби асарлари ҳисобланади. Рангнинг ёрқин безакдорлиги ва шу билан бирга соддалик Н.Карахан ижодига хос бўлиб, фовизмда ижод этган А.Матисс изланишларига хос ёндашувлар бошқалардан ажратиб туради. 1920-йиллар охирида “Қишлоққа йўл”, “Ховуз бўйида”, “Бозор майдони”, “Арка остида” каби асарлари ҳисобланади. М.Курзин ижоди Ғарб эстетикасига яқин ва жамиятни танқидий нуқтаи назардан баҳолайди. М.Курзин ижтимоий мавзуларга кўпроқ мурожаат қилгани уни соцреализмга ўтишига қулайлик яратган. Сабаби, унинг асарлари мазмунан соцреализмга яқин бўлиб, санаб ўтилган асарлар илк бор илмий муомалага киритилган.

Иккинчи боб “1920-йиллар рангтасвирида янги бадий жараённинг ўзига хослиги” деб номланиб, у икки бўлимдан иборат. Ушбу боб тасвирий санъатда янги шаклларни вужудга келиши ва ривожланиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини ёритади. Бобнинг биринчи бўлими “**XX аср бошлари Европа санъатидаги янги бадий кашфиётларнинг 1920-йиллар Ўзбекистон рассомлари ижодига таъсири**” деб номланган.

Маълумки, миллий бадий мактаб асосчиларининг кўп қисмини рус рассомлари ташкил қилар эди. Европа рассомлари каби рус мусаввирларини ҳам Шарқ ўзининг кўп асрлик маданиятининг қатъий анъаналари, инсон ва табиатнинг уйғунлиги билан жалб қилар эди. Уларнинг баъзилари, айниқса импрессионистлар “Шарқ санъатида шу давр рассомларини ўйлантирган саволларга жавоб топдилар ва Шарқ санъатидаги услубларни ўзларига ўзлаштирдилар”. Асарларнинг образ мажмуидаги турфа хиллик, мураккаблик ва кўп қирралилик рассомлардан ифодавий воситаларга эътибор қаратишни тақозо этди.

Тасвирий санъатда янги шаклларнинг вужудга келиши ва ривожланиш жараёни ўз хусусиятларига эга эди. 1920-йилларнинг бошида Ўзбекистонда турфа хил ижодий салоҳиятга эга бўлган рассомлар йиғилганди. Секин-аста “Янги Шарқ усталари”, “ТошАХРР”, “АРИЗО”, “Изофабрика” каби турли хил гуруҳ ва уюшмалар ташкил этилди. АХРнинг ёшлар жамияти (ОМАХР) фаолият кўрсатади. Унга Ў.Тансиқбоев, Н.Қарахан, Б.Ҳамдамий, П.Шёголев ва бошқалар киради. Уларнинг ижодий малакаларига XX аср бошларидаги рус европа рангтасвир йўналишлари ва жараёнлари сингдирилган эди.

Ўзбекистон рангтасвири шаклланишининг ўзига хос ноёб тарафларидан бири шундаки, унинг ривожланиши бошида асосан рангтасвирнинг янги имкониятларини очишга интилган авангард қарашларга эга бўлган рассомлар турар эди. 1920-йиллар рассомлари ижодида Шарқни мустақил ифодалаш, уни чуқур индивидуал пластик талқин этиш йўлидаги изланишлар намоён бўлади.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими “**1920-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон рангтасвири янги тенденцияларининг мафкуравий тамойиллар тазйиқига учраши**” деб номланади. 1920-1930-йилларда ўзбек авангардини намоён этган, Ғарб санъатининг модернизм ғояларини Марказий Осиё маданияти билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Ғарб Шарқ феномени негизидаги рассомлар А.Волков, А.Николаев, О.Татевосян, В.Уфимцев, М.Курзин кабилар ижоди ўз индивидуал хусусиятлари билан табиий равишда ажралиб туради. Аммо, авангард изланишларнинг умумий йўналишига киритилиши рассомлар ижоди генезиси билан белгиланган. XX аср бошларида бутун Ғарбий Европа ва Россия санъатини қамраб олган авангардлик ғоялари бу ижодий йўналишнинг моҳиятини акс эттиради. А.Волков ўзи замондош бўлган санъатдаги ўзгаришлар жараёни билан яхши таниш эди. Масалан, А.Н.Волковнинг “Икки қирғиз қизлари”, (1927) “Автопортрет” (1928), Н.Г.Қараханнинг “Ёш аёл портрети” (1929), О.К.Татевосяннинг “Жин қувиш” (1928), “Тут терими”, “Варшам” (1918-19),

А.В.Николаев (Усто Мўмин)нинг “Чойхоначи” (1924), Ў.Тансиқбоевнинг “Ўзбек портрети” (1927), “Ўзбек аёли” (1928), Н.В.Розановнинг “Ўзбек чилим билан” (1927) ва бошқа кўплаб асарлари фикримиз далилидир.

Маълумки, 1920-йилларнинг бошида жамият дунёқарашини қайта куриш мақсадида аввало маданий ва диний қарашлардаги анъаналар зўравонлик билан қадрсизлантирилди. Бу эса ўша даврдаги рангтасвир асарларида муҳрланиб қолди. Иккинчи томондан, бу даврда яратилган асарларда ўзбекистонликларнинг ўзига хос киёфаси, Шарқ кишисига нисбатан европаликлар нигоҳи акс этади. Учинчидан, 1920-йиллар боши рангтасвирида самарали бағрикенглик кузатилади. Реалистик ва импрессионистик анъаналар билан бир қаторда санъатда ўзига хос умумжаҳон модернизм ҳаракатининг услубий тармоқланиши сифатида ўзбек авангарди шаклланади ва ривожланади.

XX асрнинг илк ўн йилликлари Ўзбекистон тасвирий санъатида қизиқарли ва замонавий бадиий жараён учун кучли таъсир омили бўлган ижодий изланишлар Шарқ ва Ғарбнинг уйғунлашуви, анъаналарнинг бадиий ечими ва бадиий тасвирий воситалар кашфиёти даври бўлди. Даврдаги бадиий даражанинг шаклланиши кўп жиҳатдан рассомларнинг турфа хил индивидуал услублари билан боғлиқ эди.

Изланилган давр рассомлари асарларидаги асосий услубий йўналиш бу декоратив-силлиқ ва абстракт-декоратив шакл бўлган. Санъатдаги фалсафа эса, Ўзбекистон учун мутлақо янги бўлган дастгоҳли рангтасвир санъатини чуқур ўрганиш ва миллий рангтасвир мактабини яратиш анъаналарини шакллантирган ҳолда ривожлантириш бўлган.

Республикада тасвирий санъат 1920-йилларда, хусусан, дастгоҳли рангтасвирда иқтидорли ва ранг-баранг изланишларга бой рассомлар сафи кенгаяди, ижодий кучлар шиддати кундан-кунга ортиб боради. 1920-йиллар рангтасвирида биринчи планда услубий ва турли йўналишлар, оқимлар, маҳорат масалаларига оид белгилар ёрқин намоён бўлади. Композиция ички тузилишининг асоси ва негизига теран кириб боради. АХРР, АРИЗО, “Янги Шарқ усталари” каби гуруҳлар томонидан илгари сурилган дастур, рассомларнинг ҳаёт билан яқинлашиши, унда юз бераётган воқеалар кўламини ҳаққоний ифода этишга бўлган даъват, “янги тузум” муносабати билан ҳаётда юз бераётган ўзгариш ва турланишларни ифода этишга интилиш сюжетнинг композициядаги роли ёрқинроқ юзага чиқишини таъминлади.

Шарқ ориентализми ва соцреализмда бир утопиядан кейингисига ўтиш жараёни бўлган яъни, кўриб турган ҳаётнинг камчиликларини идеаллаштириб кўрсатиш фалсафаси илгари сурилган. Бу давр рангтасвирининг ўзига хослиги Самарқанд маданий марказ бўлганлиги боис, рассомлар Рус Европа санъатининг хилма-хил услубий йўналишларини ўз ижодларида мужассамлаштириб, маҳаллий маданий муҳит хусусиятларидан келиб чиқиб, халқ маданияти, феъл атвори, ижтимоий ўзгаришларини талқин этганлар. Рассомлардан А.Волков, Н.Қарахан, Усто Мўмин, О.Татевосян ва

бошқалар Европа авангардига мурожаат қилиб, Ғарб фалсафасига хос бўлган нигилизм ғояларини “элакдан ўтказиб” уларни пластик, ранг, композицион услубларини ўзлаштирган ҳолда янги бадиий кашфиётларга эришганлар ва бу йўналиш юқорида айтилганидек “Ўзбек авангарди” “Туркистон авангарди” деб белгиланиши мумкин.

Ижод устидан қатъий назорат ўрнатилиши ва соцреализм даври бошланиши билан авангардизм ҳаракатининг ёрқин шакллари Ўзбекистон санъатида йўқотилса-да, рассомлар онги ва юрагида муҳрланиб қолган унинг бадиий-ифодавий воситалари асарларнинг таъсирчанлик моҳиятига яширинди. Ўзбекистондаги тасвирий санъат муаммоларини ва давр муҳитини кучли англаган ҳолда ҳар бир рассом Шарқ ва Ғарб анъаналари уйғунлашуви йўлида, XX асрнинг пластик кашфиётлари ва ёрқин анъаналари изидан бордилар.

Учинчи боб **“1930-йиллар рангтасвири ижтимоий-мафкуравий ўзгаришлар кесимида”** деб номланган бўлиб, мазкур давр уч бўлим орқали ёритилади. Учинчи бобнинг биринчи бўлими **“1930-йиллар Ўзбекистон маданий сиёсати умумсовет мафкураси доирасида”** деб белгиланган. 1920-йиллар охири ва 1930-йилларнинг биринчи ярмидаги қайноқ ижодий жараён 1930-йиллар иккинчи ярмига келиб сўна бошлади, ягона ғоя ва бир йўсинга тушиш оқибатида аста-секин бир хиллик, формалистик платформа шакллана борди. Иқтидорли рассомлар ва уларнинг асарларига қарши кураш, ўзаро муносабатдаги номувофиқликлар кўшилиб, носоғлом муҳит пайдо бўлди. Формализм ва социалистик реализм байроғи остидаги гуруҳлараро курашлар кескинлашди. Кўпгина эркин ижод намоёндалари, соф рухий оламга эга бўлган ижод тўхтатилди ва сунъий йўналишга буриб юборилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1930-йилларнинг аёвсиз шиддати, янги ҳаётга интилиш таъсири, албатта ўлкамизга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлаганди; “коммунистик партия мавқеининг мустаҳкамланиб бориши, синфий кураш ва синфийликка асосланган мафкура етакчи кучга айлана бориши бадиий зиёлилар, шу жумладан, эндигина дунёқарашлари ва касб маҳорати шаклланиб келаётган рангтасвир санъати усталари ижодига ҳам маълум даражада таъсир этмай қолмади, ҳаётни бир ёқлама – коммунистик ғоявийлик, синфий позициядан туриб тасвирлаш, санъатнинг ҳам сиёсийлашуви, яъни социализм ва коммунизм ғояларига хизмат қилдиришга қаратилган бадиий ижоддаги социалистик реализм услуби тобора кенгрок кўламда ўз таъсирини ўткази бошлаганди” ва бу жараён республикамизга ҳам етиб келган эди¹⁷.

Ўша даврдаги сезгир рассомлар барча хавфлардан фақат натура ҳалос қилишини, унга суяниб ўз ижодий арсеналини тузиш амалиёти фожеалардан сақлаб қолишини ҳис этганлар. Бу – ҳаёт билан муроса, давр руҳи, унинг талаби билан яшаш, у билан бир тарафда бўлиш, яъни тўфонга қарши чиқмаслик деган гап эди. Бу фақат бир дақиқали, яъни шу кун дарди,

¹⁷ Чегодаева М. Соцреализм. Мифы и реальность. – М.: Захаров, 2003. – 216 с.

хасрати, ташвиши билан яшаш, атрофда юз бераётган янгиликларни ўша давр мезони билан ўлчаб, социалистик қобикдан чиқмаган ҳолда тасвирлаш одатий ҳолга айланган. Бундай шароитда ҳар бир рассом ўзининг ижодий имкониятидан келиб чиқиб, воқеликка ижодий ёндашувнинг маълум қилипига тушиб борган. Натижада, қандай ижодий фикр кўзғатишидан қатъий назар, умум қабул қилинган мавзулар, ГЭС, завод ва фабрикалар, совхозлар қарийб барча рассомларнинг тасвир объектига айланган эди. Образлар кайфиятидаги бир хиллик, баландпарвозлик руҳининг юзага келиш сабабларидан бири шундан иборат эди. Иккинчидан, ўзини сақлаб қолиш ташвишига тушган рассомлар учун энг оддий йўл, асосан, натурадан ишлаш, яъни кўпчиликдан ажралмаган ҳолда ижод қилишдан иборат эди.

1930-йиллар асарларида қувонч, руҳий кўтаринкилик, ўз меҳнатидан, хурсандлик, байрамона кайфият руҳи қалқиб туради. Меҳнатни ҳамжихатлик билан ўтказаётган халқ худди бу ҳаётга фақат меҳнатда зафарлар қучиш учун келгандек. Кўпгина асарларда хунармандчилик руҳи кўриниб туради. Комбинат даражасидаги асарларда бу ҳолат кенг тарқалган. Фақат Ў.Тансиқбоев асарларида юксак хунармандчилик маҳорати санъат даражасига кўтарила олганлиги сезилади. 1925-йилдан янги реализм, маъно бериш, тушунтириш санъати, тақлид қилишга қаратилган санъат яратилади. Унда турли анъанавий тарихий услублар қоришиб кетади.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими **“Реализм йўналиши 1930-йиллар рассомлари ижодида асосий мезон сифатида”** деб номланган. Бу даврда “Санъат-санъат учун эмас, балки санъат халқ учун” хизмат қилиши керак деган умумий шиор остида соцреализмнинг бадиий ижодга “хужум”и авж ола бошлади. Санъатда эркин бўлиш, рассомларни куч билан муайян бир йўналишга буриш бирёқламаликни келтириб чиқариши табиий эди. Дастлабки йиллари плюрализм деб номланган санъатдаги турли услуб ва йўналишга мансуб тушунчаларни соцреализм шиори остида бирлаштириш ва шу қилипга тўғри келмайдиган санъат асарларини формализм, кубизм, импрессионизм, футуризм ва бошқа тамғалар босиб, қаттиқ танқид остига олиш, ижодий йўналиш, изланиш услублари ҳар хил бўлган турли оқимлар ўртасида шафқатсиз “жанг”лар бошланишига олиб келаётган эди. “Соцреализм” ибораси воситасида “ўзгача фикр” юритадиган рассомларга қарши курашнинг дастлабки аломатлари ҳам пайдо бўла бошлади. Турли оқимлар ўртасидаги зиддиятларнинг атайлаб авж олдирилиши ҳукумат органларидан келган маълум қарорни амалга ошириш йўлидаги интилиш туфайли эмас, балки турли сабабларга кўра рассомлар ўртасида юзага келган қарама-қаршилиқлар асосида юз берди. Бундай муҳитда, табиийки, қарама-қарши йўналишлар орасида объектив муносабатга ўрин қолмасди.

Ўзбекистон рассомларининг шу даврдаги ижодини кузатар эканмиз, унда бадиий-ижодий қайта қуриш жараёнининг ёрқин аломатларини кўрамиз. Рассомларнинг шу даврдаги изланишларида илгариги ижодий босқичлардаги индивидуал изланишлар сўниб, барча ижодкорларда янги йўналишга бурилиш яққол сезила бошлади. Асарларда умумий рух,

кўтаринки кайфият, тантанали равишда ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга отланган кишилар образи қаламга олинади. Улар “кўтаринки руҳ билан тўлиб-тошган” тантаналар, сунъий хурсандчиликлар ифодасидир. Буни, жумладан, Подковировнинг “Сув келди” композициясида акс эттирилган чўлу биёбонларга жон киритган канал ҳарорати, Н.Караханнинг “Совхоз тонги” асарида жамоанинг жанговар меҳнат сари ёпирилиб кетаётгандаги кайфияти, А.Волковнинг “Бригада ишга отланди” ва бошқа кўтаринки, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр турган кишиларнинг тасвирларида кўриш мумкин.

Лекин бу даврда 1930-йилларнинг биринчи ярмида ҳам 1920-йиллардаги индивидуал ижодий платформага эга бўлган рассомларнинг ички динамик изланишлари тўлқини давом этаётганини кўриш мумкин. Қизиқарли маънавий ва маданий олам сари интилиш А.Волков, Ў.Тансиқбоев, Н.Карахан, М.Курзин, П.Беньков каби рассомлар ижодида кўзга ташланади.

